

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 33 (1094), 2024 йил 15 февраль, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ БЎЙИЧА
ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга
ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш
бўйича таклифлар тақдимот қилинди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, ижтимоий хизмат турлари ва қўламини кенгайтириб келинмоқда. 2023 йил 1 июнда давлатимиз раҳбарининг “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Ўтган даврда Агентлик томонидан ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлиги ва манзиллилиги жойларга чиқиш ўрганилди. Бу жараёнда тизимни маҳалла даражасида адолатли ташкил этиш, тўғри молиялаштириш, оғир аҳволга тушиб қолган одамларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашишда камчиликлар борлиги аён бўлди.

Тақдимотда ушбу муаммоларни тизимли ҳал этишга қаратилган таклифлар кўриб чиқилди.

Уларга кўра, энди маҳалладаги “еттилик” оилалардаги ижтимоий муаммоларнинг сабаби, уларга таъсир қилувчи

омилларни аниқлайди, мавжуд имкониятларни баҳолаб, уларни оғир вазиятдан олиб чиқиш бўйича ижтимоий хизматларни сафарбар қилади.

“Саховат ва кўмак” жамғармасидан ёрдамларни оиланинг ижтимоий аҳолини индивидуал баҳолаш асосида кўрсатиш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ҳаётга самарали жорий этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция талабларини ҳаётга татбиқ этишни изчил давом эттириш, жумладан, ногиронлиги бўлган инсонларга кўмаклашиш, жамиятга интеграция қилиш, сифатли протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА

Долзарб мавзу

Мамлакатимизда соҳа ва тармоқлар фаолиятини рақамлаштириш, инсон омилини камайтириш бўйича кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда. Бу давлат органлари фаолиятининг очиқлиги, шаффофлигини таъминлаб, кўрсатилаётган хизмат ва амалга оширилаётган ишларнинг адолат мезонларига мувофиқлигини ҳамда натижаларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА
КИРМОҚЧИМИСИЗ?

Унда танлов босқичларидаги
ўзгаришлардан хабардор бўлинг

Таъкидлаш керакки, вазирилик ва идораларнинг кадр бўлимлари фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, ҳодимларини ишга олишда очиқлигини таъминлаш, номзодларни саралаш ва муносибларини танлашда инсон омилини камайтириш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Сўнгги уч йил давомида бу борада амалга оширилган ислохотлар мазкур масалага ечим топишда қўлай имконият яратди. Натижада ҳозирги кунда 69 та вазирилик, идора ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларига ишга кириш очиқ танлов асосида йўлга қўйилди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан ташкил этилган Давлат фуқаролик хизмати вақант лавозимларининг ягона очиқ портали — vacancy.argos.uz орқали амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда ушбу порталда давлат органлари ва ташкилотларидаги 165 мингдан ортиқ вақант лавозимларга танловлар эълон қилиниб, уларда 2 миллион 85 мингдан зиёд номзод иштирок этди. Бу бир ўринга ўртача 12-13 номзод тўғри келди, дегани.

Мазкур танловларда 55,9 мингдан ортиқ номзод танлов ёлиби сифатида турли лавозимларга тайинланган.

Айни пайтда вазирилик ва идоралар ҳамда уларнинг қўйи тузилмаларида ўтказилаётган танловлар 4 босқичда ташкил этилмоқда.

Биринчи босқичда вақант лавозимларни кўрсатган ҳолда танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилади, иккинчи босқичда номзодларнинг ҳужжатлари қабул қилинади ва сараланади.

Давоми 2-бетда

Буюк ўзбек йўли

ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ

янги давр талабларига жавоб бераптими?

(Учинчи мақола)

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик маънавиятини халқ манфаатлари йўлида тўғри ва самарали ташкил қилишда кўплаб омиллар ҳамда тамойиллар муҳим аҳамият касб этмоқда. Соҳани ривожлантиришда мазкур омиллар ва тамойилларнинг таъсири тадбиркорликнинг барча жабҳа ва йўналишларида яққол намоён бўлмоқда.



Тадбиркорликда **шаффофлик ва очиқлик тамойилларига амал қилиш**, яъни барча учун баробар, шаффоф ва очиқ бизнес муҳитини яратиш муҳим ҳисобланади. Соҳада шартнома тузиш, турли ҳужжатларни қабул қилиш ва ресурсларни тақсимлаш жараёни очиқ ва объектив мезонларга асосланган бўлиши керак. Тадбиркорлар ўз молиявий ҳисоботлари ва фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни очиқлаши, агар зарур бўлса, нашр этиши хилма-хил салбий ҳолатларни яшириш эҳтимолининг олдини олишга хизмат қилади.

Ахлоқий меъёр ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳам ҳалол тадбиркорликнинг таъсирчан омиллари сирасига киради. Бу борада тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектлари учун турли салбий жиҳатларни таққилови, уларнинг фаолияти учун аниқ тамойилларни белгилайдиган ахлоқий меъёрлар ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу меъёр ва тартибларга қатъий риоя қилиш турли қонунбузилишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг шаффоф механизминини яратиш имконини беради.

Таълим-тарбия барча соҳалардаги тадбиркорлар маънавиятини юксак даражада шакллантиришнинг энг муҳим омилдир. Бу тизим ҳар бир тадбиркорда ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик, ҳалоллик каби ахлоқий меъёр ва одоб-ахлоқ қоидаларини шакллантиришга хизмат қилади. Бинобарин, тадбиркорларни маънавий тамойиллар ва талаблар тўғрисидаги хабарлардан воқиф қилиш ва уларни

ҳалол бизнес юритишга ўргатиш учун махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқиш, турли тарбиявий машғулотларни ташкил қилиш муҳим.

Кучли жамоатчилик назорати тизимининг йўлга қўйилаётгани ҳам мамлакатимиз тадбиркорлари орасида юксак маънавият муҳити ва одоб-ахлоқ қоидалари шаклланишига таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Турли камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишда ушбу назорат шаклининг аҳамияти бекиёс. Айрим тадбиркорлар томонидан нарх-навоининг сунъий оширилиши ва коррупция ҳолатларига йўл қўйилиши мунтазам назорат қилишда, монополияга қарши кураш ҳамда турли шикоятларни кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштиришда жамоатчилик назоратининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

ТАЪСИРЧАН
ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Мамлакатимизда тадбиркорлик маънавиятининг янги давр талабларига мос ва ривожланган фуқаролик жамиятига хос даражаси шаклланишига бир неча омиллар қатта таъсир кўрсатмоқда. Улар орасида Президентимизнинг ушбу соҳага алоҳида эътибори ва кўплаб амалий ташаббуслари ҳамда уларнинг амалга татбиқ этилиши, давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича 57 та ташаббус илгари сурилган. Ушбу ҳужжат билан 42 банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқлангани алоҳида аҳамиятга эга. Бу бандларда кичик бизнесга янги имкониятлар яратиш, ўрта бизнесни барқарор иқтисодий ўсиш гаровига айлантириш, янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш, юқори даражадали корхоналарни кўпайтириш, содда солиқ маъмуричилиги ва бюрократиясиз қўлай муҳит яратиш билан боғлиқ масалаларнинг ечимлари кўрсатиб берилиши соҳа ривожини учун кенг йўл очди.

Қарор асосида кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштиришнинг янги тизими яратилиб, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ негизига Бизнесни ривожлантириш банки ташкил қилинди. Унинг фаолиятида кичик бизнес, жумладан, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида энергия тежамкор технологияларини жорий этиш лойиҳаларини молиялаштириш ва уларга комплекс хизматлар кўрсатиш устувор йўналиш этиб белгиланди.

Давоми 3-бетда

Таҳлил

МУҚОБИЛИ ЙЎҚ НЕЪМАТ

Шундай экан, нима учун уни
асраб-авайламаслигимиз керак?!

Сув инсоннинг бирламчи эҳтиёжи, ҳаётий зарурати. Қолаверса, сувнинг муқобили ҳам йўқ. Устига-устак, инсоният тамаддуни, иқтисодиёт тараққиёти, маиший турмушимиз шароити сувнинг қадри ва аҳамиятини янада оширмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларида бир йилда ўртача 56–57 миллиард куб метр сув ресурсларидан фойдаланилади. Шундан 87 фоизи қишлоқ хўжалигида, 9 фоизи энергетика, саноат ва балиқчилик, бор-йўғи 4 фоизи ичимлик суви ишлаб чиқариш максадлари учун сарфланади. Истеъмолчилар сони муттасил ўсиб бормоқда, сув захиралари эса чекланган.

ҲАММА ТУШУНИБ ЕТИШИ
ШАРТ БЎЛГАН МАСАЛА

Бугунги кунда сувни асраш мавзуси глобал даражада кўтарилиб, нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларида янграмоқда. Олиму мутахассислар, экологлар, соҳа фаоллари қақриқлар ташламоқда. Мамлакатлар сув тақчиллиги ҳамда мавжуд захираларини тежаш юзасидан тегишли чоралар ишлаб чиқмоқда, махсус дастурлар қабул қилмоқда.

Ўзбекистон ушбу йўналишда бошқаларга қараганда кўпроқ эътибор қаратиши талаб этилмоқда. Чунки республикаимизда шаклландиган сув манбаи мамлакат ичкарасида эмас. Бунга мисол сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўтган йилнинг 22 сентябрь кунини аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда айтилган фикр-мулоҳазалар, факт ва рақамларни, амалий ҳаракатлар юзасидан берилган топшириқларни келтириш мумкин. Гап шундаки, ўша йиғилишда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини яхшилаш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган кўплаб ижтимоий, ҳудудий дастурлар бажарилаётгани, хусусан, сўнгги олти йилда ичимлик суви соҳасига давлат бюджетидан 14 триллион 500 миллиард сўм ёки олдинги даврга нисбатан 6 баробар кўп маблағ ажратилгани, 31 минг километр ичимлик суви ва оқова тармоқлари ўтказилгани, 1200 та сув иншооти қурилиб-таъмирлангани туфайли мингта маҳалладаги 6,5 миллион аҳоли хонадонларига илк бор тоза ичимлик суви кириб боргани айтилган. Лекин ҳали қилинадиган ишлар ҳам кам эмаслиги, 30 та туман ва 1400 та маҳаллада ичимлик суви таъминотини яхшилаш зарурлиги ҳам таъкидланган. Улар учун тоза сув манбасини топиш зарур.

Давоми 4-бетда

Аждодлар шону

Навоийни
танитмоқ —
эдни танитмоқ,
демак

Ўзбек халқининг
кимик тушунчасини
ифода этувчи
миллий тимсол

“Султонлар унинг асарларига
эга бўлишга интилар, чопарлар
юбориб, Навоийдан китоблар тилар
ва унинг асарларини ўз
кутубхоналарининг олий беағи
сифатида ардоқлар эдилар”.

Долзарб мавзу

ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА КИРМОҚЧИМИСИЗ?

Унда танлов босқичларидаги ўзгаришлардан хабардор бўлинг

Абдулла АБДИЕВ,
Шомаруф ҚОСИМОВ,
Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги етакчи инспекторлари

Бошланиши 1-бетда

Учинчи босқичда уларнинг билими тест синовидан ўтказилади, тўғринчи босқичда эса номзодлар билан танлов комиссияси томонидан суҳбат ўтказилади.

Агентлик томонидан танлов босқичларини такомиллаштириш бўйича ҳам изчил ишлар олиб бориляпти. Бу борада учинчи босқич — номзодларнинг билимини тест синовидан ўтказиш учун 2023 йил 1 декабрдан бошлаб “Давлат хизматчи” — ягона тест тизими жорий этилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, аввал ушбу босқичда турли соҳаларга доир ишлаб чиқилган 20 дан ортқик тест синови турлари мавжуд эди ва синовдан ўтиш натижа-баллари ҳам вазириликлар ва идораларда турлича бўлган.

Эндиликда янги тартиб бўйича ташкил этилаётган синовлардан ўтиш учун номзод энг камида 56 балл тўллаши талаб қилинади. Ўзтиборлиси, ушбу синовда иштирок этган номзодларнинг белгиланган баллари ва ундан юқори тўплаган ижобий натижаси 3 ой муддат мобайнида автоматик равишда амал қилиши, яъни “онлайн сертификатлаштириш” тартиби жорий этилди.

Бу ўзгаришлар бир номзоднинг турли ташкилотлардаги вакант лавозимларга ўтказилаётган танловда иштирокини рағбатлантириб, “онлайн сертификат”га эгалити туфайли унга 3 ой давомида танловларнинг тест синовлари босқичида такроран иштирок этмасдан, навбатдаги суҳбат босқичига тўғридан-тўғри ўтиш имконини беради.

Айни пайтда танловда иштирок этётган номзодлар ўртасидаги ўзаро рақобат муҳити билим, кўникма ва тажрибага асосланган суҳбат босқичига кўчган. Бу эса тест

босқичида бир марта ижобий натижага эришган танлов иштирокчиларига ўзларининг асосий вақтини суҳбатга тайёргарлик кўришга сарфлаши, ўз устида кўпроқ ишлаши, соҳага доир йўриқнома ва қўлланмалар билан танишиб, зарур ҳолларда илғор хорижий тажрибани ҳам ўрганиши учун қўлайлик яратди.

Албатта, бу каби ўзгаришлар бир вақтнинг ўзида агентлик ҳамда вазирилик ва идораларда фаолият кўрсатаётган танлов комиссияларига катта масъулият юклайди.

Давлат органлари ва ташкилотлардаги вакант лавозимларни малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида ўтказилаётган танловларнинг суҳбат босқичида инсон омилини камайтириш, барча номзодларга тенг имконият яратиш бўйича кенг жамоатчилик томонидан билдирилган қатор таклифларни инobatта олиб, агентлик томонидан танловларнинг суҳбат босқичини янада такомиллаштириш учун вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда янги тизим жорий этилмоқда. Унга кўра, аввало, суҳбатнинг интервью шакли, яъни номзодларга берилаётган саволлар юқининг тенг бўлишини таъминлаш мақсадида саволларни тасодифий танлаш дастури (автоматик генерация тизими — рэндом) орқали ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Иккинчидан, суҳбатнинг тақдимот шакли, яъни суҳбат ўтказиш кунидан уч кун олдин номзодларнинг шахсий кабинетига тақдимот мавзулари юборилиб, суҳбат давомида номзод томонидан берилган мавзулардан бири бўйича тақдимот қилинишини назарда тутувчи тартиб жорий этилиши кутилмоқда.

Иккала тизимда ҳам асосий саволлардан сўнг берилган жавобларни аниқлаштириш мақсадида суҳбат комиссияси томонидан кўпи билан бешта қўшимча савол берилиши назарда тутилган.

Шунингдек, суҳбат якунлангандан сўнг шу куннинг ўзида танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодларни платформадаги шахсий кабинети орқали онлайн тарзда баҳолаш ва қўйилган балларни изоҳлаш тизими жорий этилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотларидаги вакант лавозимларга ўтказилаётган танловларнинг барча босқичларида очкилик ва шаффофликни янада ошириш, адолат таъминлиларини мустаҳкамлаш ва инсон омилини камайтириш бўйича ишлар давом эттирилиб, келгусида ушбу тизимга автоматлаштирилган сунъий интелектни босқичма-босқич жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунга биноан, давлат фуқаролик хизматчисининг шахсий ҳужжатлари тўплами электрон шаклда юритилиши кўзда тутилган, бу борада ҳам агентлик томонидан бир қатор амалий ишлар кўриш кўзда тутилмоқда.

Вазирилик ва идораларда инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш соҳасини такомиллаштириш, фаолиятини рақамлаштириш, бюрократик тўсиқлар, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва инсон омилини қисқартириш мақсадида агентлик томонидан Рақамли технологиялар вазирилиги билан ҳамкорликда hgm.az платформаси ишлаб чиқилиб, 2023 йил 1 ноябрдан амалиётга жорий этилди.



Агентлик томонидан танлов босқичларини такомиллаштириш бўйича ҳам изчил ишлар олиб бориляпти. Бу борада учинчи босқич — номзодларнинг билимини тест синовидан ўтказиш учун 2023 йил 1 декабрдан бошлаб “Давлат хизматчи” — ягона тест тизими жорий этилди.

Жумладан, вазирилик ва идораларда инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш соҳасини такомиллаштириш, фаолиятини рақамлаштириш, бюрократик тўсиқлар, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва инсон омилини қисқартириш мақсадида агентлик томонидан Рақамли технологиялар вазирилиги билан ҳамкорликда hgm.az платформаси ишлаб чиқилиб, 2023 йил 1 ноябрдан амалиётга жорий этилди.

Бугунги кунда ҳар бир вазирилик ва идораларда инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлимасида hgm.az платформасини юритишга алоҳида масул ходим

бириктирилган. У орқали ташкилотдаги таркибий тузила, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамланган ҳолда ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш кўзда тутилган. Шунингдек, кадрлар шахсий таркибига оид буйруқ, қарор ва фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш, уларни масофавий ўқитиш, кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш ҳам режалаштирилган.

Президентиамизнинг 2023 йил 24 майдаги “Маммурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқаруви-ни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 2023 йил 22 сентябрдаги “Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2023 йил 1 ноябрдан бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан инсон ресурсларини бошқаришга оид ҳужжатлар электрон платформа — hgm.az да шакллантирилиши ва юритилиши белгиланган.

Мазкур платформа жорий этилиши натижасида бир қатор қўлайликлар яратилди. Хусусан, эндиликда вакант лавозимларга танлов эълон беришдан ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш-гача бўлган жараёнлар тўлиқ электрон тарзда амалга оширилади.

Ходимлар давомати ва иш вақти ҳисоби табели, электрон ҳизмат сафари, меҳнат таътили, меҳнатга лаёқатсизлик даври электрон шаклда қайд этиб борилади.

Кадрларга оид иш юритув ҳужжатлари электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда фақат тизим орқали электрон шаклда қабул қилинади ва юритилади. Кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архиви яратилади. Ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва масофавий малакасини оширишга эришилади.

Шунингдек, Вазирилар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорига кўра, кадрларга оид маълумот ва ҳужжатлар:

— давлат органи тузилмаси, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари, қўшимча битимлар, вакант иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар ЯММТ (my.mehnat.uz);

— қабул қилинган ички идоравий ҳужжат (буйруқ, қарор ва фармойиш)ларни ижрога қаратиш учун edo.jro.uz ахборот тизими; — ходимларга ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун зарур маълумотлар UzASBO дастурий мажмуасига автоматик тарзда юборилади.

Бу каби ишлар ва қўрилаётган чора-тадбирлар ташкилотлардаги ходимларнинг ягона умумий ҳисоботини юритиш ҳамда кадрлар сиёсатини олиб боришда умумий режалаштириш имкониятини яратди. Шу билан бирга, инсон ресурсларини бошқариш бўлимлари фаолиятининг тўлиқ рақамлаштирилиши давлат органларида кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилининг қисқартирилиши, қозғ сарфининг ўртача 50 фоизга камайишига ёрдам беради.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда давлат хизматини янада ривожлантириш, соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Худудлар ҳаёти



ИШ БЎЛСА, ИШЧИ ТОПИЛАДИ...

Жиззах вилояти яқин йилларгача саноат кўрсаткичлари бўйича аҳоли жон бошига энг паст худудлардан бири эди. Бугунги кунга келиб, вилоятнинг ҳар бир туманига саноат кириб борди. Чекка-чекка манзилларда ҳам хориж сармояси эвазига бунёд этилган корхоналар иш бошламоқда.

Чунончи, Фориш туманида “Rockfiber” МЧЖ томонидан умумий қиймати 583 миллиард сўмлик базальтдан ровинг ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 205 та қўшимча иш ўрни яратилди. Ёки Зарбдор туманидаги “Jizzax organic” МЧЖ ХКнинг қиймати 130,9 миллиард сўмлик бўрдоқчилик комплекси ва омухта ем ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳа доирасида Зомин ва Зарбдор туманлари худудидан қариб 12 минг гектар ер майдони ажратилди. Шу кунгача инвесторлар томонидан қариб 200 миллион доллар сармоя кири-тилди. Айни пайтда ушбу агрокластерда қариб бир ярим минг киши меҳнат қилмоқда.

— Мамлакатимиз аҳолиси 37 миллионга яқин-лашди, — дейди зоминлик факхрий нуруний Урол Оққулов. — Табиийки, аҳолини озиқ-овқат таъмин-лотлари билан таъминлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада юртимизда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хорижий сармоялар орқали мана шундай кластерлар ташкил этилаётгани аҳо-лининг озиқ-овқат таъминотидаги еттиштиришни кўпайтириш билан бирга, минглаб одамлар ишли бўлишига хизмат қилмоқда. Қаранг, битта ушбу ло-йиҳа туфайли қариб бир ярим минг фуқаро доимий даромад манбаига эга бўлди.

Янги йил арафасида Ғаллаорол туманида Бирлаш-ган Араб Амириликлари “Masdar” компаниясининг 150 миллион долларлик тўғридан-тўғри сармояси асосида бунёд этилган қуёш фотолектр станция-си фойдаланишга топширилди. Лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, йилга 500 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, бу эса вилоят аҳолиси эҳтиёжининг 20 фоизини қоплайди, деганидир.

— Сир эмас, шу вақтгача электр энергияси-даги узилишлар сабаб хорижий сармоядорлар, айниқса, чекка худудларга сармоя кириштишга ик-киланарди, — дейди “BMB Holding” компанияси кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов. — Фаолиятимиз электр энергияси билан бевосита боғлиқ. Ғаллаорол туманида қурилаётган қуёш электр станцияси эса биз учун аини муддао. Таъ-минотда энди узилишлар бўлмаслигини инobatта

олиб, россиялик инвесторлар билан ҳамкорликда “BMB-NRC Agrologistics” корхонасини ташкил этишга қарор қилдик. Ўтган йили ушбу кор-хонанинг биринчи босқичини ишга туширдик. Агрологистикамизда 10 минг тонна сизимга эга музлаткичи камералар ва омборлар бор. Лойи-ҳа тўлиқ иш бошлагач, 810 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш имко-нияти пайдо бўлади. Айни пайтда 180 доимий, 400 дан зиёд мавсумий иш ўрни яратдик. Маж-муа тўлиқ қувватда ишга туширилгач, 1410 киши доимий иш билан таъминланади.

Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиётини юксалти-ришда инвестицияларнинг ўрни жуда муҳим. Жиз-захга жалб қилинаётган инвестициялар микдори йил сайин ортиб бормоқда. Бу обод бўлаётган шаҳару қишлоқлар ва аҳолининг турмуш тарзида ўз ифода-сини топтомоқда.

— Зафаробод туманининг Фориш билан чегара худудида “Huaxin Cement Jizzakh” МЧЖ қўшма кор-хонаси ишга туширилиши ҳар икки туман аҳолиси учун яхши имконият бўлди, — дейди форишлик Эркин Ражабов. — Икки йилдан бун ушбу заводда ишлай-ман. Эрталаб автобус ишга олиб келади, кечқурун уйга қайтариб олиб боради. Ойлигим ҳам яхши. Ўтган йили тўй қилдим, уйимни таъмирладим. Асосийси, оилам бағридаман. Фарзандларим тарбияси билан шугулла-наман. Узоқ йиллар чет элда ишладим. Мусофирликда юриб, мамлакатимизда ҳам завод-фабрикалар қурилса, одамларимиз оиласи бағрида яшаб, меҳнат қилса, деб орзу қилардим. Яратанга шукр, ҳозир битта Фориш-нинг ўзида ўнлаб саноат корхоналари бор.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган исло-хотлар самарасида халқимиз турмуш фаровонлиги ошиб, яшаш шароити тубдан яхшиланмоқда. Энг муҳими, одамларнинг юртимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларга ишончи ва дахлдорлик туйғуси ошмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Кўнгилдаги битиклар

ОНАЛАРНИНГ ТИЛИДА, ДИЛИДА ВАТАН!

Зухра МИРҒАЗИЕВА,
Тошкент вилояти ҳокими
ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар
бошқармаси бошлиғи



Инсоннинг яшаб турган манзили, табияти, қариндош-уруғлари, яқин биродалари, унда қарор топган урф-одатлар, қадриятлар ҳамма-ҳаммаси — Ватан. Уни мисоли тоғ деб фараз қилсак, тоғнинг яқинида туриб, улуғворлигини ҳис эта олмаганимиз каби бағрида эканимизда ҳам ҳар доим қадрини англаб етавермаймиз. Тоғнинг бор бўй-баси, ҳайбати узоқдан яққол кўринганидек, Ватан ҳисси ҳам инсонга йироқда бўлганида сезилади. Шунинг учун ҳам турли сабаблар билан ўзга юртларда яшаётган, умри мусофирликда ўтаётган ватандошлар юрт туپроғини кўмсайдди. Юртга қайтишни орзу қилиб, соғиниб яшайди.

Энг баланд иморатлар ҳам пойдевор-дан бошланади. Ватанпарварлик туйғу-си-чи? Ҳар бир бола тарбия асосини, энг аввало, оилада олади. Ўғил-қизларни ва-танпарварлик руҳида тарбиялашда таъ-лим тизими оиладан кейинги ўринда ту-ради. Боиси, болалар қўпинча она билан яқин мулоқотда бўлади. Бирламчи ҳаётий қўникмаларни, Ватанга садоқат, ота-она ва атрофдагиларга меҳр-муҳаббат каби юксак ахлоқий ва маънавий фазилатлар она берган тарбиядан бошланади.

Улар зиммасида фарзандларини соғлом тарбиялаш билан бирга, дилбандларига маърифат эшигини очишдек, жамиятга руҳан тетик, ватанпарвар фарзандларни тарбиялаб беришдек машаққатли вазифа ҳам юкланган. Уйда, оилада, фарзандлар тарбиясида ватанпарварлик қадриятлари, ўзликни ардоқлаш, Ватанга меҳр-муҳаб-бат туйғуларни айнан она меҳри, она тили орқали сингдирилади.

Аслида, ватанпарварлик, эл-юртга фи-дойилик, бир қарашда, оддий нарсадек туюлади. Лекин у ҳаёт талаби бўлган ана шундай долзарб ишлардан бошланади. Зеро, меҳрибон онаси, оиласи, фарзандла-

ри бахтли бўлишини истаган ҳар қандай инсон бу йўлда ўзини, бутун борлигини бахшида этишга тайёр туради.



кўрдим. Келин бўлишнинг насл-наса-бинни, етти пуштини суриштирдим, соғ-лиғи, жисмоний камолотини аниқладим, барча қусурлардан холи бўлсагина келин туширдим”, деб бежиз ёзмаган.

Фикр-мазмунини теран, бошқача айт-ганда, сўз хазинасининг дуру жавоҳир-ларини ўзида мужассам этган шундай халқ мақолларимиз борки, уларда ва-танпарварлик туйғуси ўз аксини топ-ган, Ватанга муҳаббат, чексиз меҳр ва садоқат улуғланади. Деярли ҳамма би-ладиган “Булбул чаманини севар, одам ватанини” мақолида Ватан тушунчаси-нинг аҳамияти нечоғлиқ муҳим экани қайд этилади. Булбул чаманда қандай яйраса, инсон ҳам ўз ватанида шундай эркин яшайди. Булбул боғу чаманларни севгани каби инсон ҳам, у қандай бў-лишидан қатъи назар, ўз она юртини севиши, унга содиқ бўлиш даркорлиги уқтирилиб, она юртининг бегона юрт-лардан ҳар томонлама афзал экани баён этилган.

“Она юртинг омон бўлса, ранги рў-йинг сомон бўлмас” мақоли ҳар бир шахснинг туғилган жойида фаровон яшаш учун маълум бир маънода ундан ватанга бўлган бурч ҳам талаб этили-шини англайди. Яъни фақат ҳарбийлар эмас, ҳар бир инсон ўз юртининг тинч бўлишига ҳисса қўшиб, унинг вайрон бўлишига йўл қўймаслик, душманларга оёқости қилдирмаслик лозимлиги уқти-рилади.

Мақолнинг бошқа варианты “Юрт кўри — элинг ўсар, кўримасанг — уйинг тўзар” қўринишида келади. Бундан кў-ринадикки, юртдошларимиз ким бўли-шидан қатъи назар, ўзининг камолоти учун ўз шахсий манфаатларини халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшаш керак. Мана шундай ўзбек халқ мақоллари битилган китобларни хари-д қилиб, болажонларга тавсия қилсак, нур устига нур бўлади.

Миллатимиз оналари — момолари-миз Бухорий, Форобий, Хоразмий, Баҳо-вуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби дунёни лол қолдирган кўплаб аждодла-римизнинг бешигини тебратган, илм-ни мукаммал эгаллаган доно инсонлар қилиб вояга етказган. Биз, оналар ҳам уларнинг муносиб издошлари бўлайлик. Келажакда юртимиз довуғини дунёга таратадиган фарзандларни тарбиялаб, вояга етказайлик.

Жамиятимизда ватанпарвар ва фидо-йи инсонлар қанчалик кўп бўлса, янги Ўзбекистонни барпо этишдек улук мақ-садимизга эришиш йўлида барча икти-содий, маънавий-маърифий жабҳаларда шунча кўп туб ўзгаришлар рўй беради. Инчунин, ёшларни ватанпарварлик ру-ҳида тарбиялаш ҳеч қачон ўз долзарбли-гини, аҳамиятини йўқотмайдиган маса-ладир.

Буюк ўзбек йўли

ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ

янги давр талабларига жавоб беряптими?

(Учинчи мақола)



Киём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Мазкур банк ҳузурида ҳар бир ҳудудда 14 та кичик бизнесга кўмаклашиш маркази ташкил этилиб, улар кичик тадбиркорлик субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш, бухгалтерия, солиқ, аудит, маркетинг, ҳуқуқий ва бошқа консалтинг хизматларини кўрсатиш билан шугулланиши назарда тутилганини алоҳида қайд этиш лозим. Айниқса, кичик тадбиркорлик субъектлари ва йирик давлат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари ўрнатилиши ва кооперация асосида ташкил қилинадиган кичик тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги учун давлат харидлари доирасида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни 2 йил давомида тўғридан-тўғри шартнома-лар асосида сотишга рухсат берилиши, бунда йилгига жами 10 миллиард сўмгача қийматдаги шартномалар тузиб, тақдим қилиниши катта имкониятлар эсини очади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси трансформация қилиниб, унга кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг устувор равишда хизмат кўрсатиш, “яшил” ва энергия самарадор лойиҳалари бўйича компенсация ва кафиликлар ажратиш тизимини йўлга қўйиш, банк ва нобанк кредит ташкилоти томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича ҳам кафиликлар тақдим этиш ваколати берилгани ҳам соҳа ривожига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Хизматлар ипотекаси тизими жорий қилиниши ва хизмат кўрсатиш йўналишларига тайёр лойиҳалар (бизнес-режа, банк ва нобанк кредит ташкилотлари орқали молиявий ресурслар, бино-иншоотлар ва ускуналар) тадбиркорлик субъектларига таклиф этилиши ҳам шулар жумласидан.

Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолияти такомиллаштирилиши ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд қувватларни кенгайтиришга қаратилган саноат лойиҳаларига хорижий валютада йиллик 5 фоиз, миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкада 10 йилгача муддатта кредит маблағлари ажратиш тизими жорий қилинмоқда.

Саноат ипотекаси тизими йўлга қўйилиб, тадбиркорлик субъектларига ер участкалари (ишлаб чиқариш майдонлари) қуриш учун тегишли рухсатномалар ва лойиҳа ҳужжатларни расмийлаштирилган ҳолда “тайёр бизнес” шаклида аукцион савдоларига чиқарилади. Бино-иншоотларни харид қилиш ва ижарага олиш учун 7 йил муддатга, 2 йилгача имтиёзли давр билан миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкада кредитлар ажратилмоқда.

Кичик саноат зоналарида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, ушбу зоналарда ишлаб чиқариш объектини ишга тушириб, инвестиция мажбуриятларини баргаран тадбиркорлик субъектларига ер участкаларини хусусийлаштиришга рухсат бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

“Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури билан қамраб олинган корхоналар сони 500 тага етказилади ва дастур орқали экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш ва уларнинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Қонунчилик талабларига айланиб қолган ҳолда тадбиркорларнинг фаолият юритишнинг раёбатлантириш тизими жорий этилади ва унга, асосан, тадбиркорлик субъектларининг ишончилиги рейтингини асосида юқори рейтинг кўрсаткичларига эга тадбиркорлик субъектлари учун солиқ текширувларидан озод қилиш ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш), шунингдек, барча солиқ турлари бўйича мавжуд ортқанча тўлов суммасини бир кун муддатда тезлаштирилган тартибда қайтариш тизими йўлга қўйилиши назарда тутилган.

Солиқ низолари доирасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилиб, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати 3 йилга чўзилди. Тадбиркорлар учун ҳисобот тизимини соддалаштириш натижасида бир-бирини тақрорловчи ва давлат органларининг бошқа органлардан олиш имконияти мавжуд бўлган статистик ҳисобот шакллари бекор қилиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига топшириладиган статистик ва бошқа ҳисоботларнинг ягона рўйхатини тасдиқлаш ҳамда ҳисоботларни шакллантириш ва топшириш жараёнларини босқичма-босқич рақамлаштириш ҳисобига уларнинг қоғоз шаклини бекор қилиш белгиланмоқда.

Тадбиркорларга кредитлар бўйича мажбуриятларни бажаришда қўлайликлар яратиш мақсадида тўлов миқдори кредит мажбуриятларини бажариш учун етарли бўлмаганда, маблағларни, биринчи навбатда, мутаносиб равишда муддатга ўтган асосий қарз ва фойз қарздорликларини, иккинчи навбатда, жорий тўлов учун ҳисобланган фойзалар ва асосий қарзни, кейинги навбатларда, неустойка ва ижро харажатларини қоплашга йўналтириш тартиби ўрнатилмоқда.

БИЗНЕС
МОНОПОЛИЯСИ

Тадбиркорлик соҳасида ҳалоллик тамойилларининг бузилиши ва айниқса, ўз йўналишида монополияга эга бўлиш, бунинг оқибатида эса барча рақибларни тўла-тўқис бартараф қилиш ҳамда бошқа тадбиркорларнинг фаолият юритишига имкон қолдирмаслик ҳолатлари ниҳоятда оғир натижаларга олиб келади.

Фалсафа тарихида бунга нисбатан ажойиб бир мисол бор. Қадимги Ғарб фалсафасининг асосчиси, деб эътироф этиладиган машҳур файласуф Фалес ўзи яшайдиган Милет ярим-орол ва шу номдаги полис, яъни шаҳар-давлатнинг демократия майдонида зайтунининг энг ноёб ва фақат Милетда ўсадиган навидан олинадиган ёғ-мой маҳсулотларини сотишни тўлиқ ўзлариники қилиб олган баъзи бой савдогарларнинг ноинсофлиги, уларнинг мол-мулк тўплаш ва пулга ҳирс қўйганини ниҳоятда қаттиқ ва муттасил танқид қиларди.

Фақирона ҳаёт кечирадиган Фалесни мулзам қилиш мақсадида ўша тадбиркорлар ўзаро тил бириктиради ва бир неча актёрларни ёллаб, ҳар йили демократия майдонида ўтатган ва кўпчилик тўпланадиган энг катта тадбирлардан бири — денгиз ва сув худоси Нептун шарафига уюштириладиган байрамда файласуфни баҳсга тортади. Ҳеч нарсадан хабарсиз Фалес баҳсга рози бўлади ва унга “Агар ақли, илми ва донишманд бўлсанг, нега бой-бадавлат эмассан? Камбағаллигинг ҳаммага маълум, аммо бу борада тезда бойиб кетишни уddалай оласанми? Масалан, бир йил муддатда, яъни келгуси йилги Нептун байрамингача бизнинг соҳада ҳам биздан ниҳоятда инсофдор бўла оласанми?” деган савол билан мурожаат қилинади.

Гап нимадалигини яхши англаган файласуф уларга “Шартларингга розиман, фақат менинг ҳам бир шартим бор. Уларнингиз деҳқонлардан сотиб олган барча ёғ-мойларини ҳамда мойжувоzlарни менга, бугундан қолмасдан ва кечаги нархда, бир йил муддатга қарзга берасизлар ва бирорангиз мен билан шартнома тўзмасдан юртимизга ёғ ва ёғ маҳсулотларини олиб қирмайсиз, олиб ҳам чиқмайсиз, уларни сотиб ҳам олмайсиз, сотмайсиз ҳам. Ушбу шартномани эса кейинги беш йилга чўзиш ёки чўзмалиги ҳуқуқини фақат менда қолдирасиз?” деб шарт қўяди.

Алломадан бу соҳада мутлақо саводсиз ва укувсиз деб ҳисоблайдиган ҳамда ўзларига қаттиқ ишонадиган бой тадбиркорлар бу шартга рози бўлади ва ўша заҳотиёқ файласуф томонидан ёзилган шартномага имзо чекади. Ақсига олиб, бу воқеа тафсилотлари бутун Милет давлати аҳолиси орасига кенг тарқалади ва ақсарият фуқаролар ушбу келишувнинг охири нима билан тугашини сабр-сизлик билан кутиб юрган ўзига хос жамоатчи назоратчиларга айланади.

Фалес рақибларининг ўзи қўйган шартинга қўйиб, шартнома имзолаган дақиқаданоқ шиддат билан ишга киришади. У ҳали байрам тугамасидан ва майдондаги халойиқ тарқамасиданоқ барча мойжувоzlар бошлиқлари алмаштирилгани, мамлакатга кириб-чикувчи савдогарларнинг бирортаси файласуф билан шартнома тўзмасдан ёғ-мой маҳсулотини сотиб ололмаслиги ва сотолмаслиги, ёғ-мой етиштирувчиларни қувватлаш мақсади-

да унга тўланадиган нархнинг уч баробарга, сотув нархининг эса олти баробарга ошганини эълон қилади.

Рақибларнинг бундан эси оғиб қолмаган бўлса керак, аммо соҳасида анча тажрибали бўлган бу кишилар ўша заҳотиёқ қандай хатога йўл қўйганини англаб етади ва қилмишдан қаттиқ пушаймон бўла бошлади. Аммо вақт ўтган ва бир неча соат бўлса-да, ўзлари имзолаган шартнома кучга киргани, яъни шартнома тузилган ва унга риоя қилиш шартлигини яхши англайди. Шартномага риоя қилинмаган тақдирда эса айбдорлар де-

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН —
РАҚОБАТБАРДОШ
МАҲСУЛОТЛАР ЮРТИ” ДАСТУРИ
БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИНГАН КОРХОНАЛАР
СОНИ 500 ТАГА ЕТКАЗИЛАДИ ВА ДАСТУР
ОРҚАЛИ ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАРНИ
МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ
ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА УЛАРНИНГ
МОЛИЯВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ
ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ
КўРИЛМОҚДА.

мократия майдонида суд қилиниши белгилаб қўйилган ва уларга нисбатан Конституцияда кўзда тутилган “Рози-ризолик ва ўз ихтиёри билан шартнома тузган, аммо уни бажармаган шахс ўлимга маҳкум этилади ёки фуқароликдан маҳрум қилинади, қўллар орасига юборилади” деган қонун муқаррар равишда кучга киради.

Хуллас, бир йил давомида бутун мамлакатдаги ёғ-мой савдоси Фалеснинг ихтиёрига ўтади ва у бундан ниҳоятда устамонлик билан фойдаланади. Файласуф ҳақдан ортқик қайтариш ва чексиз мол-мулкка эга бўлади. Келгуси йилги Нептун байрамида эса уни мулзам қилишга интилганларнинг барчаси бутун мамлакатдан келган депутатлар қарши-сида алломадан уэр сўрайди ва шартномани чўзмалигини ўқитиб илтимос қилади.

Фалсафа тарихчилари Фалеснинг ушбу анжуманда шармандаларча мулзам бўлган рақибларига нисбатан қандай фикрлар билдирганини тарихнинг ҳужмига қолдиради. Улар бу ҳақдаги ҳикоя ниҳоясида алломанинг тўплаган барча бойликларини ёғ-мой етиштирувчи деҳқонларга бўлиб бергани ва ўзи эса яна фақирона ҳаёт кечира бошлаганини қайд қилади.

Хўш, Фалесни тез муддатда бой қилган усулнинг номини эди, деб ўйлайсиз? Албатта, монополия. Аллома ақлини ишлатди, шартнома тузишда айерлик қилди ва монополияга эришди, натижада барча рақибларини бозордан чиқариб юборди ва нарх-навоини фақат ўзи белгилашга муваффақ бўлди. Классик монополия шу ва бундан бошқа нарсга эмас.

Фалес давридан буён 2600 йил вақт ўтди, аммо у фойдаланган монополия усулининг

бирор-бир туки ҳам, тамойили ҳам ўзгаргани йўқ. Машҳур файласуф-ку, ўзини мулзам қилмоқчи бўлган рақибларига қарши ушбу усулни қўлаган ва пировардида тўплаган бойликларини унинг ҳақиқий эгаларига қайтариш учун ўзида куч топа олган эди. Аммо ундан кейин икки ярим минг йилдан ортқроқ вақт ўтган бўлса-да, бирор соҳада монополияни қўлга киритган кишиларнинг тўплаган барча бойликларини аҳолига бўлиб берганига инсоният тарихи гувоҳ бўлмаган...

МАСЪУЛИЯТ ВА ТАРБИЯ
ЗАРУРАТИ

Ҳозирги пайтда янги жамият қуриш билан бирга, етук маънавий сифатларга эга бўлган, юксак маърифатли, улкан салохиятли ва зиёли тадбиркорлар авлодини тарбиялаш долзарб вазифага айланди. Ҳар бир инсон, жумладан, тадбиркор кишининг маънавий дунёси — ўта нозик хилқат ва ундаги бирор-бир кемтик ҳолатни тўзатиш ва ўнглаш учун йиллар давомида мунтазам саёр-тоқат билан тарбиявий ишларни амалга ошириш, амалий чора-тадбирлар, ҳаётий ўзгаришларни мувофиқлаштириш тақозо этилади.

Шу билан бирга, жаҳон тажрибасида тадбиркорлик ва мулкдорлик шакллана бошлаган дастлабки ўн



йилликларда айрим кимсаларда пул жамғармасини ҳақдан ортқик қўлайтириш, турли йўллар билан бойлик орттириш ва мол-дунё тўплашга ружу қўйиш майллари кучайиб бориши аллақачон аниқланган. Бозор муносабатлари эндигина шаклланаётган баъзи мамлакатларда онда-сонда учраб турадиган бундай шифақтсиз ҳолатлар тўғрисида машҳур алломалар ва таниқли мутахассисларнинг фикр-хулосалари бу ҳақда аниқроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Масалан, қадимги юнон алломаси Гесиоднинг ана шу ҳақдаги памфлетларидан бири қуйидагича бошланади: “Афсуски, тарихнинг телба шамоллари Афинани хароб қилди. Катта имкониятга эга бўлган мулкдорлар ва тадбиркорлар ҳақдан ортқик мол-мулк тўплаш, пул ва бойлик орттириш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ўзгаларни ва айниқса, йўқсилларни ўйламайдиган бўлди. Уларнинг таъсирига тушган

кўпчилик одамлар на худолардан, на қонунлардан қўрқмайдиган бўлиб қолди. Илгари афиналиклар учун муқаддас бўлган “Ватан”, “халқ”, “демократия” каби тушунчалар ниҳоятда сийқалашди, асл маъноси ва аҳамиятини йўқотди. Афиналиклар айнидилар ва майдаллашиб кетдилар, шунчалик майдалашдиларки, гоҳида “Замон айнидим ёки одамлар айнидиларми?” деган савол ортқчадек кўринадиган бўлиб қолди. Уларнинг баъзи аризмас нарсалар ҳақидаги узоқ ва маъносиз суҳбатларини тинглаб, “Наҳотки, ҳеч нарсга ақли етмайдиган қўллар ҳам бу даражага тушмайдиган Сукрот ва Афлотун замонлари абадиятга ўтиб кетган бўлса?” деган савол ақли кишиларнинг этини жунжиқтириб юборади. Ҳолбуки, ўз даврида Сукрот ҳаётнинг мазмунини ва умрнинг маъносини ҳақиқатда фикр-мулоҳазалари, фуқаролик қасамига содиқлиги ва ҳақиқат йўлидаги позицияси билан афиналикларнинг юзига ойна тутди ва буни ҳар кун, ҳар сафар демократия майдонига борганида тақрорлашдан чарчамади. Афиналиклар алломани англаш, маънавий тозаланиш ва тазарру қилиш ўрнига Сукротни судга тортидилар ва унинг ўлимига сабабчи бўлдилар. Аммо аҳвол ўзгармасдан қолверди. Натижа нима бўлди, Афина ўз ҳаёти ва ватан тақдирига бефарқ, оёқлари остидан бошқасини кўра олмайдиган ноба корлар касрига учради. У алалиқотиб ўз мустакиллигини йўқотди ва улкан империянинг кичик бир қисмига айланиб қолди”.

Бунларнинг барчаси тадбиркорларнинг маънавий қиёфаси ҳамда ишбилармон ва мулкдорларнинг масъулият туйғусини шакллантириш, бу соҳага кириб келаётган ёш авлодини тарбиялаш масаласи тор ва кичкина доирадаги оддий ва аризмас мавзу эмас, балки бутун жамият ва давлат ҳаётига, халқ тақдирига тааллуқли бўлган, умумий аҳамиятга эга объектив зарурат эканидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам ушбу соҳанинг билим-ли ва етук зиёли мутахассислари, ишбилармонлар ва мулкдорларнинг ёш авлодини тизимли тарбиялашни йўлга қўйиш мақсадида “Тадбиркорлик университети”ни ташкил этиш мақсадаги мувофиқ бўлар эди.

Шу асосда соҳа вакиллари учун мўлжалланган, уларнинг қизиқишлари ва мазкур жаҳза хусусиятлари ҳисобга олинган маънавий-маърифий ва ахлоқий йўналишдаги ўқув фанларининг янги тизимини ишлаб чиқиш заруратини амалиётга айлантириш имкони очилади.

Айин шу йўналишда “Бизнинг ижтимоий масъулиятини ошириш концепцияси”ни яратиш ва унга мос равишда “Биз-несда “тоза қўллар” тамойилини амалга ошириш дастури”ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга тизимли жорий этиш зарурати алоқадон етилган.

Шу нуқтаи назардан, 2023 йил 18 август кунини давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида билдирган “Йўл қўйилган камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, фақат олдинга интилсан, бизнинг меҳнаткаш халқимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз ҳар қандай машаққатни албатта енгиб ўтади, мен бунга ишонаман”, деган фикри ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан машғул бўлган барча юртдошларимиз учун муҳим фаолият мезонидир.

Ўз навбатида, бу Ўзбекистоннинг янги уйғонини даврини яратибди фаол иштирок этиши лозим бўлган ҳар бир фуқаро, жумладан, юртимиз тадбиркорларининг қалби ва онгига маънавият чирғоғи муттасил ёниши ҳамда барчамизни эзгу амалларига ўндаб, доимо масъулият туйғусини уйғотиб туриши зарурлигидан далолат беради.

йил аввал, яъни ўзи яшаётган минтақада капитал бозори эндигина шаклланиб келаётган даврда бу ҳақда қуйидагича ёзган эди: “Ушбу жараёнлар ижтимоий муносабатларда пул, бойлик ва мулкни қўпайтиришга интилишнинг устувор йўналишга айлантиради ва бу йўлдан бораётган кишилар ўртасида уят ва андиша, ўзаро ҳурмат ва бировнинг ҳақиқатга хиёнат қилмаслик, жамият ва ўзгалар тақдирини ҳақиқат қайғуриш туйғуларини йўқ қилиб юборади. Бундай шароитда яшаётган баъзи одамларда ўзи тутилган юрт ва орзу қилиб танланган касбининг муқаддаслиги, Ватан ва халққа садоқат, миллат ва давлат манфаатларини ўйлаб иш қилиш, ўзгаларга ғамхўрлик ва йўқсилларнинг бошини снлаш туйғулари ҳам муқаррар тарзда емирилиб бораверади”.

Албатта, ҳар бир даврнинг ўз маънавият тизими бўлиб, у вақт ўтиши билан ўзгариб, мазмунан бойиб боради, баъзи шакллари трансформацияга учрайди, айрим тамойиллари йўқолади, янгилари шаклланади. Бу жараён бирданига эмас, аста-секин, тадрижий равишда юз беради. Бу билан боғлиқ баъзи салбий хусусиятлар замонавий тадбиркорлар маънавий қиёфасини шакллантириш амалиётида ҳам бирор-бир тарзда намён бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Ва бундан ҳам ижтимоий соқнонча қонунлари амал қилади ҳамда ушбу соҳадаги баъзи ҳолларда намён бўладиган айрим жузғий салбий тенденциялар, турли оқибатлар ва уларни бартараф қилиш йўллари билан ҳам фойдадан холи бўлмаслиги шубҳасиз.

Бунларнинг барчаси тадбиркорларнинг маънавий қиёфаси ҳамда ишбилармон ва мулкдорларнинг масъулият туйғусини шакллантириш, бу соҳага кириб келаётган ёш авлодини тарбиялаш масаласи тор ва кичкина доирадаги оддий ва аризмас мавзу эмас, балки бутун жамият ва давлат ҳаётига, халқ тақдирига тааллуқли бўлган, умумий аҳамиятга эга объектив зарурат эканидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам ушбу соҳанинг билим-ли ва етук зиёли мутахассислари, ишбилармонлар ва мулкдорларнинг ёш авлодини тизимли тарбиялашни йўлга қўйиш мақсадида “Тадбиркорлик университети”ни ташкил этиш мақсадаги мувофиқ бўлар эди.

Шу асосда соҳа вакиллари учун мўлжалланган, уларнинг қизиқишлари ва мазкур жаҳза хусусиятлари ҳисобга олинган маънавий-маърифий ва ахлоқий йўналишдаги ўқув фанларининг янги тизимини ишлаб чиқиш заруратини амалиётга айлантириш имкони очилади.

Айин шу йўналишда “Бизнинг ижтимоий масъулиятини ошириш концепцияси”ни яратиш ва унга мос равишда “Биз-несда “тоза қўллар” тамойилини амалга ошириш дастури”ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга тизимли жорий этиш зарурати алоқадон етилган.

Шу нуқтаи назардан, 2023 йил 18 август кунини давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида билдирган “Йўл қўйилган камчиликлардан тўғри сабоқ чиқариб, фақат олдинга интилсан, бизнинг меҳнаткаш халқимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз ҳар қандай машаққатни албатта енгиб ўтади, мен бунга ишонаман”, деган фикри ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан машғул бўлган барча юртдошларимиз учун муҳим фаолият мезонидир.

Ўз навбатида, бу Ўзбекистоннинг янги уйғонини даврини яратибди фаол иштирок этиши лозим бўлган ҳар бир фуқаро, жумладан, юртимиз тадбиркорларининг қалби ва онгига маънавият чирғоғи муттасил ёниши ҳамда барчамизни эзгу амалларига ўндаб, доимо масъулият туйғусини уйғотиб туриши зарурлигидан далолат беради.

Мулоҳаза

Пешонасига қўлини тираб турган кишини кузатганмисиз? Унинг ичи тўла дард, ҳеч кимга ёрилмайди. Раҳмингиз келиб, таскин берсангиз-да, вазиятни яхши томонга ўзгартира олмайсиз. Бир оғиз ширин сўз нондек арзанда. Кошки эди, сизнинг далдангиз билан стресс ҳолатидаги инсон ўзини ўнглаб олса. Рухий зўриқиш — ким биландир зиддиятга бориш, фарибгар тузоғига тушиб қолиш, молиявий инкироз, тўхмат, алданиш, оилавий ҳаётдаги қўйди-чикди можаролар киши онги, миясига кучли зарба бериб, уни боши берк кўчага олиб киради. Умид қаерда, нажот қани?

АССОЦИАЦИЯ ИШИ ЖОНЛАНМОҚДА

Гирдобга тушиб қолган шахс кимдан, қандай ёрдам кутади? Яқинларига “ёрилиш”нинг ҳеч қандай енгиллиги йўқ. Далда ва таскин билан вазиятни ўнглаш қийин.

баби, юртимизда оилавий ажримлар кўпайди. Масалан, 2022 йилда 48 229 та оилавий ажрални қайд қилинган бўлса, ўтган йили 49 мингдан зиёд никоҳ бекор қилинди. Бу шунини кўрсатадики, оилавий низоларни ҳал қилишда маҳалла фаоллари тажрибаси етарли эмас. Эр-хотинни, қайнона-келинини мурося мадорига келтириш йўлини билмаган ходим

Психологик хизмат сиртдан қараганда оддий бўлиб кўринса-да, унинг ўзгаларга аён бўлмаган сир-синаотлари кўп.

тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги штатлар жадвалига бош психиатр ва бош суицидолог лавозими киритилди. Лавозим вазифаси бир-бирига узвий боғлиқ бўлган бу мутахассислар қандай ишлайётгани тўғрисида бир нарсга деёлмаймиз. Ассоциациямиз томонидан “Ўзбекистонда психологик хизмат кўрсатиш тўғрисида”ги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бу ҳужжат қабул қилиниб, кучга кирса, аҳолига психологик хизмат кўрсатиш маркалари, яқка тартибда шугулланувчи соҳа мутахассислари фаолияти тартибга солинади. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилинган “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида психология бўйича мутахассисликлар



Кўпчилик билмайдиган ва англаб етмайдиган психологик хизмат тури борки, унинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти беқиёс. Тасаввур қилинг, иши юришмаётган, қаттиқ руҳий зарбага учраган киши, биттагина бўлса ҳам, бу ижтимоий ҳаётимизга таъсир қилмасдан қолмайди. Агар улар ўнга, юзта, мингта бўлса-чи? Бундан келадиган моддий-маънавий зарарни кўз олдингизга келтиринг. Ҳўш, озми-кўпми даражада йўлга қўйилган хизматнинг бу турида жараён қандай кечмоқда, мутахассисларни бир мақсад йўлида жипслаштириш, шахс ва шахсларча муносабатларни соғломлаштириш бўйича қандай ишлар қилинмоқда?

— Ўзбекистон психологлар ассоциациясига 2010 йилда асос солинган бўлиб, 2011 йил 15 февраль кунини Адлия вазирлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилот сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган, — дейди ташкилот бошқаруви раиси, психология фанлари номзоди Ҳулкар Маҳмудова. — Ўтган давр мобайнида аҳоли учун марказлашган психологик-тиббий хизматни яратиш, фуқароларда соҳага ишонч ва тўғри ёндашувни шакллантириш, мутахассисларни амалиёт ҳамда илмий тадқиқот жараёнига жалб этиш, манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Ассоциациянинг Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро ҳудудий бўлиmlари ташкил этилди. Ижтимоий, юридик, тиббиёт, амалиёт ва таълим психологиялари бўйича муайян истиқболли лойиҳалар яратилди. Олий суд раҳбарияти билан келишилган ҳолда Ўзбек ва рус тилларида “Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари бўйича суд психологик экспертизалари” илмий-амалий қўланмаси тайёрланди. Мутахассислар бутун ундан амалиётда фойдаланишмоқда.

Ассоциация ходимлари ташаббуси билан Х.Сулаймонова номидаги республика суд-экспертизаси маркази ҳузурида психология йўналиши ишга тушрилди. Энг сўнгги лойиҳамиз Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда 2023 йилнинг 24 июлидан 12 августига қадар барча вилоятларда ўтказилган семинар-тренинг машғулотлари бўлди. Са-

уларни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Ваҳоланки, психологияда зиддиятга борган шахсларнинг ўзаро муносабатларини юмшатиш, нотинч оилаларни соғломлаштириш, руҳий тушкунлик гирдобидидаги инсонга кўмаклашиш, зўравонлик қурбони бўлганларга биринчи ёрдам кўрсатишнинг турли илмий-назарий усуллари бор. Маҳалла тизимида ишлайётган мутахассислар “паст-баланд”, “огриқли” нуқталарни беш бармоғи каби яхши билади. Шу боис, уларнинг таклиф-мулоҳазаси ҳисобга олинми, умумлаштирилади. Сир эмас, МФЙ ходимлари ноутбук, планшет билан тўлиқ таъминланмаган. Маҳалла хотин-қизлар фаоллари иш фаолиятида ҳаловат йўқлиги, қўғозбозлик авж олгани, ҳисобот топиришга кўп вақт кетаётганини билдирди. Тизимда ҳуқуқшунос, психолог штатларини жорий қилиш содир бўлаётган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга хизмат қилиши мумкинлиги айтилди. Барча фикрлар умумлаштирилиб, кейинги фаолиятда инноватта олинади, албатта.

ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲОЛАТ ҚАНДАЙ?

Ҳар қандай соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилиб, ижроси таъминлансагина, туб бурилиш ясалиб, мавжуд муаммолар камаяди. Ҳўш, психологик хизматни такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий-меъёрий базасини мустаҳкамлаш учун нималар қилинмоқда?

— Юртимизда яшаб ўтган буюк аждодларимиз таълимотларида психологияга доир қарашлар, инсон онгига таъсир этувчи салбий омилларни йўқотишдек улугвор ғоялар илгари сурилган, — дея давом этади Ҳулкар Маҳмудова. — Бизнинг асримизга келиб, психология фанини ахлит тизимга келтириш, шахс руҳий оламида кечадиган депрессия ҳолатларини бартараф этиш ўтқир муаммога айланмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш

квотаси шарт-шароитга қараб 30 фоиз, бўлгуси психологларнинг малакали амалиёт давомийлиги 8 ҳафтадан 15 ҳафtagа оширилаётгани ўз самарасини бермоқда. Энг огриқли масала — бизда ривожланган давлатлардаги каби психолог фаолиятни лицензиялаш тизими йўлга қўйилмаган.

АҚШда 50 минг, Канадада 5 минг психолог рўйхатдан ўтган. Ҳар йили қарийб 5 минг америкалик психология билан шугулланиш мақсадида лицензия олиш учун имтиҳон топиради. Аксарият штатларда мутахассисдан докторлик даражаси талаб қилинади. Бу даражани минтақада аккредитациядан ўтган муассасасига бериш ҳуқуқига эга. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган номзодга диплом берилган, Америка психологлар ассоциацияси базасига киритилади. Германияда ҳеч кимга аусбилдунгсиз ишлашга рухсат берил-



майди. Аусбилдунг — муайян мутахассислик бўйича қўшимча таълим тури. Немис психологлари 1986 йилдан бошлаб касбий ахлоқ кодексига қатъий риоя қилади. Бизда ҳали бу каби қонунчилик меъёrlари шаклланмаган. Психология соҳасида фаолият юритишга қо-

дир бўлмаган, ҳаттоки ўзи бу борада ёрдамга эҳтиёжи бор шахсларнинг иш юритиши соҳа нуфузи ва оммавийлигини таъминлай олмаётти. Гап кишилар руҳий-маънавий оламини ўнглаш ҳақида борар экан, бу масала давлат миқёсида кенг жамоатчилик назари билан қаралишимиз керак.

ИНСОН РУҲИЙ ОЛАМИ МУРАККАБ

Инсоннинг қалб олами жуда мураккаб. Унинг ҳаётида турли муаммолар учрайди: жуфти билан келишолмаслик, фарзанд тарбиясида тўғри ёндашувни топа олмаслик, молиявий инкироз, фарибгарлик қурбони бўлиш, ишдаги зиддият, муваффақиятсизлик, автохалокат, алданиш, сурункали ёки хавфли



касаликлар ва ҳоказо. Рухий зўриқишга дуч келганда, ҳар қандай киши ўз муаммосига ечим излайди.

— Шиддаткор, ахборот оқими ниҳоятда кўпайган таҳликали ва зиддиятли замонда яшаймиз, — дейди Ўзбекистон давлат кон-

“ БИР СОАТЛИК МАЪРУЗА ЁКИ ВАЪЗОНЛИҚДАН БИТТА АМАЛИЙ ИШ ЯХШИ. МАЪРУЗА ЖОНЛИ, ҲАЁТДАН ОЛИНГАН БЎЛСА, НОТИҚ АУДИТОРИЯНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛА ОЛСА, САМАРАСИНИ БЕРАДИ. АММО ЗЕРИКАРЛИ ВАЪЗДАН КЎРА, БОШИГА ИШ ТУШСАН, БУ ГИРДОБДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИНИ АХТАРГАН КИШИНING МЗАММОСИГА ЕЧИМ ТОПИБ БЕРИШNING САВОБИ КЎПРОҚ. ”

серваторияси педагогика ва психология кафедраси профессори, психология фанлари доктори Гулҳебра Қурбонова. — Афсуски, фуқароларимизда ахборотни саралаб қабул қилиш, қалтис вазиятни тўғри баҳолаб, ундан оқилона чиқиб кетиш кўникмаси етишмайди. Ўзбекиликда қайнона-келин муносабатлари чигал ва нозик, ҳар иккала томон ўз “мен”ини устун қўяди, зиддият кучаяди, асаб таранглашади, ҳаётга муҳаббат туйғуси сўнади, баъзан ўз жонига қасд қилишдек фожиали қарор қабул қилинади. Кузатишларга кўра, суицид 14-30 ёш оралиғидаги кишилар ўртасида кўпроқ учрайди. Бу ўша шахсда психологик билим йўқлигидан далолат.

Ҳозир умумтаълим мактабларида “Тарбия” ўқув предмети жорий қилинган, синф раҳбарлари ҳафтагига бир соат турли мавзуларда машғулот ўтади. Назаримда, кўпроқ ўзбекона урф-одатлар, қадриятлар доирасида ўтилаётган мавзуларни ўсим оламига мослаб жиддий такомиллаштириш даври келди. 10-11-синфларда “Оила психологияси” ўқув предмети жорий қилиш фойдадан холи бўлмасди. Ўқувчилар аудиториясига нафақат алломамларимиз, балки дунё тадқиқотчиларининг ҳам таълимотини тақдим этишимиз зарур. Америкалик машҳур тадқиқотчи Дейл

Карнеги таълимотига кўра, ёмон одамнинг ўзи йўқ, балки кўнгилсиз воқеалар рўй бериб туради, унга қарши қатъий курашилса, ҳаммаси жойига тушади. Карнеги ҳамшаба табассум қилиш, суҳбатдошини диққат-этибор билан тинглашга ундаган. Ҳаётга қизиқиш уйғотишининг турли усуллари муваффақият қозониш омилли эканини бот-бот таъкидлаган. Бундай фикрларни нима учун ёшларга етказмаймиз, ўқтирмаймиз?

КЎПРОҚ АМАЛИЁТ КЕРАК

Бир соатлик маъруза ёки ваъзхонлиқдан битта амалий иш яхши. Маъруза жонли, ҳаётдан олинган бўлса, нотиқ аудиторияни ўзига жалб қила олса, самарасини беради. Аммо зерикарли ваъздан кўра, бошига иш тушсан, бу гирдобдан чиқиш йўлини ахтарган кишининг муаммосига ечим топиб беришнинг савоби кўпроқ. Ўзбекистон психологлар ассоциациясининг Андижон вилояти бўлимини раҳбари Нилуфар Асқарова фаолияти ана шу мақсадга йўналтирилмоқда.

— 2016 йилдан буён аҳолига психологик хизмат кўрсатиб келмоқдамиз, — дейди Нилуфар Асқарова. — Кўп ҳолларда фарзанди тарбиясида нохушлик кузатилаётган ота-оналар билан ишлаймиз. Телевидение ёки ижтимоий тармоқлар орқали узатилаётган мультфильм ва видеолар бола онг остига жойлашиб, унинг руҳиятига акс таъсир кўрсатмай қолмайди. Мисол келтираман: кичкинтойлар энг севиб томоша қиладиган мультфильм — “Маша ва айн” бош қаҳрамони Маша инжиқ, одобсиз, тартиб-қондаларни бузади. Мультфильм графикаси, дизайни, хатти-ҳаракатлар уйғунлиги билан томошабинни ўзига жалб қиладди. Аммо бола яхши кўрган ҳамма нарсга ҳам унинг камолоти учун хизмат қилавермайди, балки ёқимсиз қилиқдан нусха олган дилбандларимиз феъл-атвори салбий томонга шакллана бошлайди. Бу эса бора-бора болани танбал, инжиқ, тасвирчан, худбин қилиб қўяди. Тарбияси тўғри шакллантирилмаган бола ўсимирлик даврига келиб, арзимаган ҳолатдан фожиа ясади ва кўнгилсизликка ҳам қўл уради. Қабулимизга келган ўсимрлар руҳиятини яхши томонга ўзгартириш учун артерияга, гипотенерация, психонетика каби махсус психологик методикалар сеансини қўллаймиз.

Авалло, ҳар бир муурожаатчининг темпераменти аниқланади. Сурункали равишда депрессияни бошидан кечираётган шахс овқатларни рацionaliн ҳам тўғри белгилamayди, жисмоний ҳаракатлари камайиб кетади. Руҳ ва жисмини бир-бириндан умуман ажратиб бўлмайди. Онг ости дастуруларини ўз ўрнида қўллашмиз туфайли бизга келаятган юзлаб кишилар руҳияти яхши томонга ўзгармоқда. Келгусида психологик хизмат кўрсатиш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб келиш ва фаолиятимизни такомиллаштириш ниятидамиз.

Психологик хизмат сиртдан қараганда оддий бўлиб кўринса-да, унинг ўзгаларга аён бўлмаган сир-синаотлари кўп. Юртимизда хизматнинг бу турини янада ривожлантириш учун илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, кадрларнинг янги авлодини етиштириш, психологияга оид илмий-оммабоп адабиётларни ўзбек тилига ўғириш, миллий менталитетимиз инноватта олинган қўлланмаларни яратиш, бу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларни расмий мақомга эга бўлган марказ атрофига бириктириш лозим. Бу хизмат тури ривожлантирилса, содир этилаётган турли кўнгилсиз ҳодисалар камаяди, жамият ҳаётидаги маънавий-маърифий муҳит яхшиланади. Зеро, бугунги саъй-ҳаракат эртанги натижа учун йўл очади.

Ҳулкар ТҶЙМАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Муносабат

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда фарзандлари мактаб дарсларини қолдириб келаяётган ота-оналарга “Огоҳлантириш хати” юборилаётгани хусусида турли хабарлар тарқалмоқда. Мазкур хабарларда эндиликда мунтазам дарс қолдириб келаяётган ўқувчиларнинг ота-оналарига “Огоҳлантириш хати” юборилиши ва бу орқали уларга турли тартибда маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилиши айтиб тилган.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида жорий йилнинг 5 февраль кунини ўтказилган ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишланган йилгишмишда мактаблардаги инспектор-психологлар штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия тизимига ўтказилди.

Инспектор-психологларнинг асосий вазифаси — ўқувчиларнинг таълим-тарбиясини ташкил этишда мактаблар жамоасига яқиндан кўмаклашиш, мунтазам дарс қолдирувчи ўқувчиларнинг ота-оналари билан ишлаш.

Шу мақсадда Мактабгача ва мактаб таълими вазири ва Миллий гвардия ҳамкорлигида махсус ишчи гуруҳ тузилди ҳамда бу борада келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилан олдинди.

Хусусан, эндиликда мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар, қаҳриққа қадар ёшларни тайёрлаш бўйича ўринбо-сарлари, психолог ҳамда синф раҳбарларининг ўқувчилар маънавиятини юксалтириш ва дарслардаги иштироки, таълим-тарбия ишларини ҳамоман ташкил этишга доир

масъулияти янада оширилади. Ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирокидаги “мактаб — ота-она — маҳалла” ҳамкорлиги узвий ташкил этилади.

Ўқувчиларнинг дарсда иштирок этиш кўрсаткичлари ҳаққонийлигини таъминлаш учун e.maktab электрон кундаликка ўқитувчилар ва синф раҳбарлари томонидан ўз вақтида қайтар кириштиб борилади.

— Мазкур таъсир чоралари қўлланилишидан асосий мақсад дарсларга мунтазам (уч ўқув кунини ва ундан ортиқ) сабабсиз қатнашмаётган ўқувчиларнинг яшаш манзилларига тезкор равишда юборилаётган “Огоҳлантириш хати” орқали дарсда иштирок етмаётган ўқувчиларнинг оила аъзолари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсад қилинган. Унда ўқувчиларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖтК)нинг 47-моддаси мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилган,

ОГОҲЛАНТИРИШ ХАТИ

Фарзанди дарс қолдирса, ота-онаси жарима тўлайдими?



— дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазири Юридик бошқарма бошлиғи Хуршид Асроров. — Жумладан, фарзандларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаслик, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим олишига тўсқинлик қилиш оқибатлари бўйича МЖтКнинг тегишли моддасига асосан қонуний жазо чоралари келтирилган.

Қонун устуворлигини таъминлаш, таълим жараёнида “мактаб — ота-она — маҳалла” занжирини йўлга қўйиш, болаларнинг сабабсиз дарс қолдиришига йўл қўймаслик, турли ҳуқуқбузарлик ва бошқа нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида сезиларли қадамлар қўйилмоқда. Бу борадаги ишлар маҳалладаги еттилик кўмағида аллақачон бошланган.

Ватанин севиш, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўиш ҳар бир инсоннинг му-

қаддас бурчига айланиши зарурлиги бугун ҳар қачонгидан долзарб. Зеро, мамлакатимиз мустақиллиги ва халқимиз осойишталиги кўп жиҳатдан кучли билим, юксак одоб-ахлоқ, тарбия билан камолга етган, эртага юрт қорига камарбаста бўла оладиган ёшларга боғлиқ.

— Асосий мақсадимиз — ўғил-қизларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларда юртга садоқат ҳиссини уйғотиш, — дейди Миллий гвардия марказий девони бошқарма бошлиғи Зафар Алимов. — Шунингдек, 40 мингга яқин мактаб қоровуллари фаолиятини йўлга қўйиш Миллий гвардия органларига вази-фа сифатида белгиланган. Албатта, ҳозир замон ўзгаряпти, дунёда бўлаётган воқеаларни барчамиз кузатаймиз. Чет давлатларда, мактабларда юз бераётган нохуш ҳолатлар, хунрезликлар бизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Болаларнинг хавфсиз тарзда таълим олишини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар қандай гайриижтимоий ун-сурлар кириб келишининг олдини олиш борасида мактабларга жалб этилган инспектор-психологлар ва қўриқлаш ходимлари, албатта, ўз таъсирини ўтказаяди.


Шу билан бирга, мактабга мунтазам равишда келмаётган ўқувчилар ўрганилиб, маҳалла еттичилиги ва жамоатчилик кенгаши билан манзили ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, сурункали равишда дарс қолдирадиган фарзандларнинг ота-онаси билан учрашиб, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Чунки қонунчилигимизда умумий ўрта таълим мажбурий экани ва давлат назорат қилиши белгилан қўйилган. Уни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Агар бола касал бўлиб қолса, унга ҳеч қанақа эътироз бўлиши мумкин эмас. Лекин мунтазам сабабсиз дарс қолдираётган бўлса-чи? Уларнинг ота-оналари ёки ўрнини босувчи шахсларга Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47-моддасига асосан чора қўрилади.

Ўқувчиларнинг дарсга келмагани сабабларини аниқлаш учун маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, инспектор-психолог ва бошқа масъул шахслар ўртасида “хабар бериш ва текшириш” тизими жорий қилинмоқда.

Ҳафтада камида бир маротаба Миллий гвардия, Мактабгача ва мактаб таълими вазирилик вакиллари иштирокида болаларнинг маънавияти, тарбияси ва давомати бўйича маҳалла раисларининг ота-оналар билан учрашувларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиши кўзда тутилаяпти. Шунингдек, ўқувчиларнинг дарсда мунтазам иштирокини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тўғрақ ва машғулотларни қўлайитириш, ушбу жараёнларга ота-оналар ва ҳудуддаги фаол фуқароларни кенг жалб этиш бўйича бошқа қатор вази-фалар белгилангани эртасини эгалари бўлган бугунги ўғил-қизларнинг маънавияти бут, билим ва салохияти юксак бўлиб камолга етишига хизмат қиладди.



Ўзбек халқининг кимлик тушунчасини ифода этгувчи миллий тимсол



Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳассос шоир Абдулла Ориповнинг *Беш асрим, назмий саройни Титратади занжирбанд бир шер. Темури тиги етмаган жойини Қалам билан олди Алишер*, деган мисраларини билмаган ўзбек зиёлиси бўлмаса керак. Алишер Навоий туркий сўз қудратини чуққига қўтарди, эътиборсизликка юз тутган она тилимизнинг қаддини тиклади ва туркий тил шухратини дунёга ёйди. Натижада дунё унинг асарлари орқали маданиятимиз билан танишди, халқимизнинг бебаҳо кадриятларига эътироми ошди.

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети ректори,
академик

Навоийнинг шоғирди муаррих Хондамир таъкидлаганидек, “султонлар унинг асарларига эга бўлишга интилар, чопарлар юбориб, Навоийдан китоблар тилар ва унинг асарларини ўз кутубхоналарининг олий безати сифатида ардоқлар эдилар”.

Мустақиллик даврида Навоий номи ўзбек халқининг кимлик тушунчасини ифода этгучи миллий тилсига айланди. Бугун Ер қурасининг қайси бурчагида Навоий сиймоси хотирланса, албатта, миллатимиз, жонажон ватанимиз ҳам тилга олинади. Навоий номи ўз даврида бўлганидек, бугун ҳам асрлар оша халқимизни халқаро миқёсда танитиш, унинг бой тарихи ва маданияти билан таништиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистон миллий ғояси, Учинчи Ренессанс ҳақидаги орзу-умидлар ва уларнинг рўйи йўлида олиб борилаётган мардондор ҳаракатлар Ҳазрат Навоий армонлари билан ҳамоҳанг. Шу маънода, Алишер Навоийнинг адабий меросини халқаро миқёсда тарғиб этиш, айна пайтда дунё халқларини давлатимиз ва халқимизнинг эгзу интилишларидан хабардор қилиш ишлари билан уйғун эканини аниглабди.

Бу борада Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети зиммасига бир қатор вазифалар юк-



латилган ва бу табиий. Миллий тилимиз ва адабиётимизни ўрганишга ихтисослашган университет Алишер Навоий бобомиз номи билан аталганининг ўзиёқ таълим муассасаси зиммасидаги асосий вазифалар қаторида бобокалониимизнинг ғояларини амалга ошириш, халқимиз маданиятини, ўзбек тили ва адабиётини халқаро миқёсда тарғиб этиш каби улуг миссия борлигини аниглабди. 2016 йил университетнинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари университет ёшларнинг маънавий тарбияси ва ҳар томонлама етук, ватанпарвар мутахассислар тайёрлаш билан бир қаторда хориж ўлкаларида миллий маданиятимиз, она тилимиз ва адабиётимизни

тарғиб этиш ишларига масъул бўлишини таъкидлаган эди.

Ўтган йиллар давомида қабул қилинган бир неча фармон ва қарорларда университетимиз буюқ аждоқларимизнинг бой илмий-адабий мероси билан дунё халқларини яқиндан ошно қилиш, соҳа олимларини хориждаги илмий-тадқиқот марказлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш ишларига бош бўлиши ҳақида бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Шунга таъкидлаш жоизки, ушбу вазифалар ижроси йўлидаги саъй-ҳаракатлар бир пайтнинг ўзида университетнинг халқаро миқёсда танилиши ва эътироф этилишига сабаб бўлди.

Илгари ўзбек олимлари ташқи илмий макондан батамом узилиб қолган, муҳим янгилекларга бой тадқиқотларидан хорижлик мутахассислар хабарсиз бўлиб, дунёнинг машҳур ўзбекшунос олимлари йиғилиб турадиган халқаро конференцияларга битта-яримта ўзбек олим тасодифан қатнашиб қолишини ҳисобга олмасак, ўзбек тили ва адабиёти тарихи масалалари ўзбек мутахассислари иштирокисиз муҳокама қилинарди. Университет ташкил этилган, мунтазам равишда йўлга қўйилган ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги ва таржимашунослиги масалаларига бағишланган халқаро конференциялар дунё туркологларининг эътиборини ўнгариб, ўзбек адабиёти дўстлари клуби доирасида шоирлар ва адиблар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилди, ўзбек тили ва адабиёти, таржима ишлари билан шугullanувчи хорижлик мутахассислар билан тез-тез халқаро давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш аъёнага айланди.

Муҳтасар айтганда, университетимиз тилимиз ва адабиётимизнинг долзарб муаммоларини хорижликлар билан бирга кўриб чиқувчи жаҳоний марказга айланди. Дунё ўзбек олимларини таниди. Ўзбек олимлари дунёга чиқди. Университет томонидан 2016 йилдан буён ҳар йили февраль ойида бобокалониимизнинг таваллуд кунини муносабати билан ўтказиб келинаётган “Алишер Навоий ва XXI аср” улусларо конференциясида АҚШ, Франция, Корея, Германия, Венгрия, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Швеция, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларнинг олимлари мунтазам иштирок этаётгани бунинг далилидир.



Конференцияларга тайёргарлик жараёнида маълум бўлишича, турли давлатларда ўзбек адабиёти, хусусан, Навоий ижоди билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бориш истагиди бўлган ёш олимларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Тошкентдаги конференцияга келишни истайдиган, аммо турли сабаблар билан қатнашиб имкониятига эга бўлмаганлар ҳам кўпчилиги кўринди. Ана шундай олимлар учун имконият яратиш ва барча мамлакатлардаги навоийшуносларнинг ўзаро ҳамкорлигига эришиш мақсадида 2023 йилдан эътиборан “Алишер Навоий ва XXI аср” улусларо конференциясини Ўзбекистондан ташқарида ўтказиб бориш режалаштирилди.

2023 йил Бокудда ўтказган конференциямиз биз тўғри йўлни танлаганимизни кўрсатди. Озарбайжоннинг турли вилоятларида фаолият кўрсатиб келаётган олимларнинг ўзбек олимлари билан мулоқоти ўзбек-озар илмий-адабий ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очди. Янги номлар кашф этилди, Ўзбекистон ва Озарбайжон олимларининг яқиндан танишуви натижада кенг қамровли халқаро ҳамкорлик ишлари бошланиб кетди.

Ўтган ҳафтада “Алишер Навоий ва XXI аср” улусларо конференцияси Туркиянинг қадимий Бурса шаҳридаги Улудағ университетида ўтказилди. Ушбу нуфузли анжуманда Туркиянинг деярли барча кўзга кўринган навоийшунос олимлари фаол иштирок этди. Ўзбекистондан ташриф буюрган навоийшу-

нос олимлар билан мулоқотда улар Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб этиш бўйича Ўзбекистонда амалга ошириладиган ишларни катта қониқиш билан кузатаётгани, биргаликда ҳамкорлик қилишига катта умид билдиргани бизни қувонтирди.

Конференция доирасида Туркияда Навоий ижодини ўрганиш, ўзбек халқи маданияти ва санъатини тарғиб этишга умрини бағишлаган 21 нафар олим ва жамоат арбобига давлатимиз раҳбари кўрсатмиси билан университетда таъсис этилган “Алишер Навоий” кўкрак нишонини топширилди.

Президентимизнинг 2024 йил 12 январдаги “Хорижий давлатларда Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ўзбек тили ва адабиётини ўрганишни кенг тарғиб қилиш орқали туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда мамлакатимиз нуфузини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори университетимиз халқаро миқёсда амалга ошираётган ишларини янада юқори босқичга кўтаришга туртки берганини алоҳида ургулаш лозим.

Ўртимизнинг бой илмий, тарихий, маданий ва маънавий меросини ўрганишга қизиқиш юқори бўлган хориждаги таълим ва илмий ташкилотларда университетимизнинг Алишер Навоий номидаги марказларини очиб Ўзбекистон имижининг юксалишига хизмат қилиши ҳам ҳужжатда қайд этилган.

Жорий йилнинг 8 февраль кунини Улудағ университетида Алишер Навоий номидаги

Бугуннинг гапи

Мақтаб — олтин фонд



Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этиши дунёдаги демографик таназулға учраб бораётган мамлакатлар билан қиёслаганда бемисл ҳазина, катта куч саналади. Бу айна пайтда уларнинг маънавияти, таълим-тарбиясига мунтазам эътибор, қўллаб-қувватлов ва инсоний ёндашувни талаб этади. “Боланинг бегонаси йўқ”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган ўғитлар, минг йиллик шарқона сабоқларнинг амалиётда ишлаши бугун ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Президентимиз раислигида жорий йил 5 февраль кунини ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим, тиббиёт, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларидаги ислохотларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш ва амалга ошириш механизмлари белгилаб берилди. Йиғилишнинг кузатиб, унинг мазмун-моҳиятини битта иборатга жойлагим келди: ватанпарвар ва соғлом авлод, барқарор мамлакат!

Бундай дейишимизга асос бор, албатта. Энг аввало, давлатимиз раҳбари мактабга таълим, ўрта ва олий таълим интеграциясини, жамоатчилик назорати, фаолияти, ўрнининг аҳамиятини батафсил,

тахсиллар орқали тушунтириб берди. Келтирилган мисоллар ва мавжуд муаммоларнинг туб замирида ватанпарварлик туйғуси акс этган.

Мазкур йиғилишда мактаблардаги огрикли масалалардан бири тарбия ва маънавият экани ҳақида гап борар экан, ўтган йили вояга етмаганлар 3,5 мингта жиноят содир этгани, шундан 2280 нафарини мактаб ўқувчилари ташкил қилаётгани барчамизни бирдек ташвишга солиши қарақлиги ургулгангани бежиз эмас. Мактаб — олтин фонд! Бу фонднинг бунёд этиш, асраб қолиш эса катта вазифа.

Айни кунларда Сурхондарё вилояти ҳокимининг ташаббуси билан мактабларда “Оталар мажлиси”нинг жорий этилишига эътиборли воқеа сифатида қаралмоқда. Ота ўз фарзандининг дарсидан, мактабда ўзини тутишдан бохабар бўлиши анча вақтдан буён кузатилмаган ҳодиса эди. Бунга тан олишимиз керак. Ўқитувчининг нуфузи нақадар улуг экани жамиятимизда деярли унутилаёзди. Бу нозик ва долзарб масалани давлатимиз раҳбари барчамизга такрор эслати. Ўқитувчининг, педагогнинг мақоми нақадар юксаклиги, аслида ҳам шундай бўлиши зарурлиги, бунга каттаю кичик бирдай амал қилиши шартлиги белгиланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: ўқувчи ўқитувчининг билими, юриш-туриши, ўзини тутишидан ўрناк олмас экан, ундан ҳайқилмайди, ҳурмат қилмайди. Бугунги ўқувчининг, ота-онанинг ҳам масъулияти оширилиши керак. Фарзандига дарсда жим ўтирмагани ёки дарс-

га тайёрланмай келгани учун икки огиз дакки берган ўқитувчинини судга беришгача бораётган, ўқитувчи мақомини ерга ураётган ота-оналар ҳам, афсуски, учраб турибди. Бу масалаларни ҳал қилишга жамоатчилик ҳам аралашини зарур. Маҳалла оқсоқоллари ўз сўзини айтиши керак.

Ватанпарварлик туйғуси, шуқроналик ҳисси ўз-ўзидан шаклланмайди. Ўсиб келаётган авлод юрагиде бу табаррук хислар илдири отиши учун билим ва тушунча, ундан ҳам аввал ибрат зарур. Ибратни эса ёшлар катталардан олиши аниқ. Бу каби маиший масалаларни биргаликда ечишимиз зарур.

Халқимизнинг ўлмас аъёналари, қадриятлари асосида ёш авлодга одоб-ахлоқ, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, олижаноблик хислатлари сингдириб келинган. Инсонийлик фазилатларини шакллантириш билан биргаликда касб-ҳунар эгаси бўлиши учун астойдил ҳаракат қилинган.

Ёшларда маънавий тарбияни шакллантиришда, шубҳасиз, китоб ва китобхонликнинг ўрни катта. Шунингдек, уларни спорт, мусиқка жалб этиш орқали интеллектуал салоҳияти, жисмонан соғлом ва ақдан етук этиб тарбиялаш муҳим ўрин тутати.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари

Президентимиз ҳам мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва касбга йўналтириш орқали зиё масканини битиргунга қадар ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиб вояга етиши долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканини айтди.

Йиғилиш барчамиз учун қақирқ, огоҳлик кўнги-роғи бўлиши зарур. Бугун Президентимизни қўнган масалаларда, аввало, инсон омили, инсон феономи муҳассам. Ва энг муҳими, бу янги Ўзбекистонда маърифий маконни яратишга қақирқидир.